

Виктор Гюго Француз адиби

Бола (ҳикоя)

Соҳилда қолиб кетган ўн ёшли болакай, тобора узоқлашиб бораётган кемага маъюс боқиб турарди. У ёлғиз эди. Чўнтагида на пули, на бир бурда нони бўлган, яланғоёқ боланинг эғнида эски камзулдан бўлак ҳеч нарсаси йуқ эди.

Қишнинг совуқ оқшоми чўка бошлади. Бола қаерда эканлигини билмасди. Бироз вақт юриб, кейин тўхтади. Ортида денгиз, рўпарасида чек-чегараси йўқ замин, боши узра тунд осмон. Шу пайт у энгашиди ва қор устида оёқ изларига кўзи тушди, қулоғига эса заифгина товуш чалинди. Бола атрофга умид билан аланглади. Ён-верида кўзга ташлангудек ҳеч нарса йўқ эди. У яна қулоқ солди. Бу сафар ҳам ўша товуш. Овоз келаётган томонга караб юрган болакай қор устида ётган бир аёлни кўриб қолди. Аёлнинг юзи бўздек оқариб кетган, кўзлари юмуқ, нафас олмасди. Қўлларида эса чинқириб йиғлаётган 5-6 ойлик гўдак бор эди. Чақалоқ чамаси қиз бола эди.

Бола чақалоқни қўлларига олди. Унинг қўл-оёқлари совуқдан музлаб қолганди. Шунда у шўрликни камзулига ўраб олди ва йўлида давом этди.

Қизалоқни кўтариб олган болакай қарийб тўрт соатча тинимсиз йўл юрди. Изғиринда камзулсиз қаттиқ совуқ эди. Бунинг устига ўлардек ҳолдан тойди, аммо ҳеч нарсага қарамай, олға юришдан тўхтамади. Бу пайтга келиб йиғидан тўхтамаётган чақалоқ тинчланиб, ухлаб қолганди.

Ниҳоят, унинг қаршисида кичкина бир шаҳарчанинг қораси кўзга ташланди. Бундан қувониб кетган болакай энди деярли югуриб борарди. У навбатма-навбат кўчаларга кириб чиқа бошлади, вақти-вақти билан дуч келган эшикни тақиллатиб кетаверди. Афсуски, унинг чақириқлари бекор кетди. Бирор жонзод жавоб берай демасди. Болакайнинг на чақиришга ва на кичқиришга мадори қолди. Аммо шунга қарамай, у яна бир неча кўчага кириб чиқди. Бу орада уйлар тугади.

Худди шу пайтда у девор ёнида турган, кўринишидан кичкина машинани эслатадиган аравани пайқаб қолди. У ғилдираклари бор машинага ҳам, томи бор уйчага ҳам ўхшаб кетарди. Анчагина яқинлашиб қолган бола бунинг ҳақиқатдан соябонли арава эканлигига амин бўлди.

Араванинг кичик деразасидан бир одам бошини чиқарди.

- Ким у? – сўради ҳалиги киши.
- Мен.
- Сен кимсан? Қаердан келдинг?
- Жудаям ҳолдан тойганман, - деди бола.
- Соат неча бўлди?

- Ўлардек совуқ еганман.

- У ерда нима қиялпсан?

- Мен жуда очман.

- Бу дунёда ҳамманинг ҳам айтгани бўлавермайди. Дераз ёпилди. Чорасиз қолган болакай қор билан қопланган дала томон секин қадам ташлади.

- Нима бўлди, нега кирмаяпсан?

Бола шу захотиёқ ўғирилди.

- Кирсанг-чи!

Унинг соябонли аравада ёши анчаг бориб қолган, новчадан келган, ориқ бир кишига кўзи тушди.

- Қўлингдагини ўриндикка қўй, - деди қария.

Бола чақалоқни ўриндикка қўйди.

- Кимсан? Устига-устак шундай пайтд кўчада?! Э-э, йўқ, жавоб берма, совуқ ебсан, бунинг устига чарчагансан ҳам, бир оз дам ол-чи. Кийимларингни еч, - деди у ва болага кийиш учун эркаклар қўйлаги ва фрак узатди.

Кейин эса боланинг олдига пиширилган картошка солинган тарелка қўйди.

- Қорнинг очгандир, ол, - у яна бир бўлак нон ва санчқи олиб, болага узатди. Бола овқатланишга тушиб кетди.

Худди шу пайт қария кучсизгина ғиншиган товушни эшитиб қолди ва ўриндикка яқинлашди.

- Тугунингда нима бор? – деганча у тугунчани очди.

- Буни қарая, бу тагин нима бўлди? Менга нимани кўтариб келдинг, безори? Бу кичкинагина қизча-ку, у ҳам совқотиб кетибди.

У қизалоқни қандайдир топила қолган тоза матога ўраб чирмади. Шундан сўнг сут солинган идишни унинг оғзига тутди.

Бола бир пасдан сўнг санчқини қўйиб, қизалоқнинг бўшаб қолган идишига тикилиб қолди.

- Бу яна нимаси, есанг-чи! – деди қария болакайга.

- Сиз-чи, ўзингизга ҳеч нима йўқми?

- Ҳаммасини е! Нима демоқчисан? Қолдирмасдан е, деяпман. Сен бу ерда фақат овфат ейсан ва ухлайсан. Ол! Йўқса сени ташқарига улоқтираман!

Болакай овқатни еб бўлди.

- Бу ҳаммаси эмас, - деди у болага. – Оғиз деганлари фақат ейиш учун эмас, гапириш учун ҳам берилган. Гапир-чи, қаердан келаяпсан?

- Ўзим ҳам билмайман, - жавоб берди бола.

- Нима сабабдан?
- Шу окшом улар мени денгиз соҳилига ташлаб кетишди.
- Шундай де, исминг ким? Ота-онанг қаерда?
- Менинг отам ҳам, онам йўқ.
- Аммо синглинг-чи?!
- У менинг синглим эмас.
- Бу яна нимаси?
- Мен бу чақалоқни топиб олганман.
- Топиб олгансан?!
- Ҳа.
- Қаердан?
- Қор устида ўлиб ётган аёлнинг қўлидан олганман.
- Қаерда?
- Бу ердан 1 лё¹ нарида.
- Қайси қирғоқдан?
- Денгиз қирғоғидан.
- Кўприкдан ўтдингми?
- Ҳа.
- Яхши, ана у ерга ўтиб ёт!

Бола қизалоқнинг ёнига ўтиб ётди.

У қўлига чироқ олиб, болаларни аравада ёлғиз қолдирганча чиқиб кетди.

- Ҳомо, - қичқирди қария.

Гулдураган товуш жавоб қайтарди.

Ҳар иккала болакай кўп ўтмай, донг қотиб ухлаб қолишди.

Болакай қуёшнинг илк нурлари аравага мўралаган бир пайтда уйғонди. Худди шу пайт эшик очилди. Қария қайтиб келганди. Ҳомо – каттагина бўри бўлиб, қариянинг кетидан худди итдек эргашиб келарди. Болакай ўрнидан турди-ю, қизалоқнинг ёнига жойлашиб уйкуга кетди.

Ария болаларга қайрилиб ҳам қарамади. Стол олдида жойлашиб олгча, паст овозда гапира бошлади.

- Мурда. Уни топиш осонмас эди. “Бурни билан кўрадиган” – Ҳомосиз, у ерда ким билади яна қанча бўлардим. Бир киши учун жой етарли бўлмаган аравада уч киши яшаш осон бўлмайди. Энди менинг бир ўғил ва бир қизим бор.

У гапираётган пайтда бўри ўриндиққа яқинлашди ва қизалоқнинг қўлини ялай бошлади. У шундай оҳисталик билан ялардики, қизалоқ буни сезмасди ва уйғонмасди ҳам.

- Яхши, Ҳомо – деди қария, мен ота бўламан, сен эса уларга амаки.

**Французчадан Қарши Давлат университети
талабаси Нилуфар Шодиева таржимаси.**

Китоб дунёси газетаси 2014 й. 9 апрел.